

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
Ҳ У К М

2022 йил декабрь ойининг 16 куни, жиноят ишлари бўйича Чуст туман суди ўз биносида очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси А.Инамов, судья ёрдамчиси Ш.Кахаров котиблигида, тарафлардан Чуст туман прокурорининг ёрдамчиси К.Байзаков, жабрланувчилар У.Шарипова, Ж.Тожирахмедов, А.Исмедляев, судланувчи Х.Одашев, судланувчи Одашев Хамидулла Хабиялиевични айблаш ҳақидаги 1-1611-2202/285-сонли жиноят ишини кўрди. Иш хужжатларига кўра,

Одашев Хамидулло Хабиялиевич, 1987 йил 19 ноябрда Чуст туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, икки нафар фарзанди бор, ишламайди, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Чуст туман судининг 2007 йил 15 декабрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “в” банди билан юритилган жиноят иши 2007 йил 30 ноябрдаги амнистия актига асосан ҳаракатдан тугатилган;

2) жиноят ишлари бўйича Жиззах туман судининг 2011 йил 20 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “а,б” банди, 28,209-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида, 3 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, иш ҳақининг ўттиз фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Чуст туман судининг 2012 йил 1 февралдаги ажримига кўра, амнистия актига асосан жазодан озод қилинган;

3) жиноят ишлари бўйича Чуст туман судининг 2011 йил 7 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “г” банди билан иш ҳақининг ўттиз фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят туман судининг 2012 йил 5 мартдаги ажрими билан, амнистия актига асосан жазодан озод қилинган, Чуст туман, Тоймас МФЙ, Камарбаста кўчаси, 87-уйда яшаган, иш бўйича қамоққа олиш

тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, 2022 йил 22 сентябрдан камокда, айблов хулосаси нусхасларини 2022 йил 30 июль ҳамда 2022 йил 30 сентябрь кунлари куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисми “а” банди, 168-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбланган.

Суд судланувчи ва жабрланувчиларни кўрсатувларини, тарафларнинг музокара ва сўзларини тинглаб, жиноят ишида тўпланган далилларни суд мажлисида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текшириб, судланувчининг музокара ва охирги сўзларини эшитиб, қуйидагиларни

#### а н и қ л а д и:

Судланувчи Одашев Хамидулло Хабиялиевич алдаш ёки ишончни суиистеъмол қиши йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2019 йилда фуқаро Ж.Тожирахмедовни ишончига кириб, алдаб, унга тегишли бўлган “Kartiva” русумли, “50J 5000A” давлат рақам белгилли автомашинани 15.000 АҚШ долларга сотиб олиб, олдидан 5.000 АҚШ доллари бериб, қолган 10.000 АҚШ долларини олти ой ичида бўлиб-бўлиб беришга келишиб, автомашинани бошқа шахсларга сотиб юбориб, пулларини Ж.Тожирахмедовга бермасдан, уни алдаб, ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сафрлаб юборган.

Бундан ташқари, Х.Одашев ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран 2021 йил март ойида фуқаро Ў.Шарипова ва унинг турмуш ўртоғи З.Жўраевларга фуқаро Ж.Тожирахмедовга тегишли бўлган “Kartiva” русумли, “50J 5000A” давлат рақам белгилли автомашинани 11.500 АҚШ долларга сотишини айтиб, З.Жўраевдан 6.000 АҚШ долларига “Cobalt” русумли, “50V 075LA” давлат рақам белгилли автомашина ва 5.500 АҚШ доллари миқдорида пул маблағларини олиб, транспорт воситасини ҳужжатларини расмийлаштириб бермасдан, уларни алдаб, ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сафрлаб юборган.

Бундан ташқари, Х.Одашев ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран 2021 йилнинг август ойида фуқаро А.Исмедляевнинг ишончига кириб, унга фуқаро Ш.Ахатовнинг номида бўлган “Lasetti-Jentra” русумли, “01C 591NB” давлат рақам белгилли автомашинани ўзига тегишли эканлигини, автомашинанинг ҳужжатларини бир ой муддат ичида расмийлаштириб беришини айтиб, автомашинани 9.400 АҚШ долларига (106.238.800 сўм) келишиб, ушбу пулларни А.Исмедляевдан тўлиқ олиб, автомашинани ҳужжатини расмийлаштириб бермасдан, уни алдаб, ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сафрлаб юборган.

Натижада, 2022 йил 19 март куни фуқаро Ж.Тожирахмедовга тегишли бўлган “Kartiva” русумли, “50J 5000A” давлат рақам белгилли автомашинани қонуний эгалиқдан талаб қилиб олиш юзасидан Чуст туманлараро фуқаролик судига қилган мурожаати юзасидан суд томонидан автомашинага тақиқ солиш ва жарима майдонига тортиш тўғрисидаги ажримига асосан транспорт воситаси У.Шариповадан мажбурий тартибда тортиб олинган.

Судланувчи Х.Одашев судда, айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, 2019 йилда фуқаро Ж.Тожирахмедов билан келишиб, унга тегишли бўлган “Kaptiva” русумли, “50J 5000A” давлат рақам белгили автомашинани 15.000 АҚШ долларга сотиб олиб, олдидан 5.000 АҚШ доллари бериб, қолган 10.000 АҚШ долларини олти ой ичида бўлиб-бўлиб беришга келишиб автомашинани олиб кетгани, ўша вақтларда қарзлари кўпайиб кетганлиги сабабли Ж.Тожирахмедовга пулларини ўз вақтида беролмагани, 2021 йилнинг март ойида фуқаро З.Жўраевга Ж.Тожирахмедовга тегишли бўлган “Kaptiva” русумли, “50J 5000A” давлат рақам белгили автомашинани 11.500 АҚШ долларга сотиб, ундан 6.000 АҚШ долларига “Cobalt” русумли, “50V 075LA” давлат рақам белгили автомашина ва 5.500 АҚШ доллари миқдорида пул маблағларини олгани, Ж.Тожирахмедовга тўлашга пули бўлмагани сабабли уни автомашинасини З.Жўраевга расмийлаштириб беролмагани, бундан ташқари, 2021 йилнинг август ойида таниши А.Исмедляевга тошкентлик танишидан сотиб олган Ш.Ахатовнинг номидаги “Lasetti-Jentra” русумли, “01C 591NB” давлат рақам белгили автомашинани 9.400 АҚШ долларига эмас 8.400 АҚШ долларига келишиб сотгани, пулларни А.Исмедляевдан тўлиқ олгани, бироз ўтиб, тошкентлик автомашинани ҳақиқий эгаси пули тўланмаганлигини айтиб, машинани тортиб олгани, ҳозирда жабрланувчиларга етказилган зарарлар отаси томонидан тўлиқ тўланганлиги, оилада ёлғиз боқувчи эканлигини, қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, қилмишидан пушаймонлигини, қонуний енгиллик беришни сўради.

Гарчанд судланувчи Х.Одашев айби ўзининг айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатуvidан ташқари, қуйидаги далиллар мажмуи билан исботланади:

жабрланувчи Ж.Тожирахмедовни суддаги, 2019 йилда ўзига тегишли бўлган, “Kaptiva” русумли, “50J 5000A” давлат рақам белгили автомашинасини таниши Х.Одашевга 15.000 АҚШ долларга сотиб олиб, олдидан 5.000 АҚШ доллари бериб, қолган 10.000 АҚШ долларини олти ой ичида бўлиб-бўлиб беришга келишиб сотгани, унга ишонгани учун автомашинани бошқариш ҳуқуқи билан ишончнома расмийлаштириб бергани, Х.Одашев автомашинани ундан олиб кетиб, фуқаро З.Жўраевга сотиб юбориб пулларини бермагани, Х.Одашевни уйига бир неча бор бориб, пулни сўраган бўлса-да, турли баҳоналар қилиб алдаб келгани, суд тергови вақтида Х.Одашевнинг отаси томонидан унга етказилган зарар тўлиқ қоплангани, ҳозирда судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги;

жабрланувчи Ў.Шариповани суддаги, 2021 йил март ойида Х.Одашев уни ва марҳум турмуш ўртоғи З.Жўраевни алдаб, фуқаро Ж.Тожирахмедовга тегишли бўлган “Kaptiva” русумли, “50J 5000A” давлат рақам белгили автомашинани 11.500 АҚШ долларга сотишини айтиб, улардан 6.000 АҚШ долларига “Cobalt” русумли, “50V 075LA” давлат рақам белгили автомашина ва 5.500 АҚШ доллари миқдорида пул маблағларини олиб, транспорт воситасини ҳужжатларини расмийлаштириб бермасдан, алдаб кетгани, Х.Одашевдан бир неча бор, автомашинани расмийлаштириб беришини талаб

қилган бўлса-да, турли баҳоналар қилиб алдаб келгани, сўнг МИБ Чуст туман бўлими ходимлари келиб, қарздорлик мавжудлигини айтиб, автомашинани тортиб кетишгани, суд тергови вақтида Х.Одашевнинг отаси томонидан Ж.Тожирахмедовга етказилган зарар қоплаб берилганлиги сабабли “Kaptiva” русумли, “50J 5000A” давлат рақам белгили автомашина уларни номига расмийлатириб берилгани, ҳозирда судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги;

жабрланувчи А.Исмедляевни суддаги, 2021 йилнинг август ойида таниши Х.Одашев уни ишончига кириб, унга фуқаро Ш.Ахатовнинг номида бўлган “Lasetti-Jentra” русумли, “01C 591NB” давлат рақам белгили автомашинани ўзига тегишли эканлигини, автомашинанинг ҳужжатларини бир ой муддат ичида расмийлаштириб беришини айтиб, автомашинани 9.400 АҚШ долларига сотгани, Х.Одашев ундан пулларини тўлиқ олиб, автомашинани ҳужжатини расмийлаштириб бермасдан алдаб кетгани, тошкентлик машинани ҳақиқий эгаси автомашинани пули тўланмаганлигини айтиб тортиб олгани, суд тергови вақтида Х.Одашевнинг отаси томонидан унга етказилган зарар тўлиқ қоплангани, ҳозирда судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги;

гувоҳ Г.Жўраевани суддаги, 2021 йил март ойида Х.Одашев онаси Ў.Шарипова ва марҳум отаси З.Жўраевни алдаб, фуқаро Ж.Тожирахмедовга тегишли бўлган “Kaptiva” русумли, “50J 5000A” давлат рақам белгили автомашинани 11.500 АҚШ долларга сотишини айтиб, улардан 6.000 АҚШ долларига “Cobalt” русумли, “50V 075LA” давлат рақам белгили автомашина ва 5.500 АҚШ доллари миқдорида пул маблағларини олиб, транспорт воситасини ҳужжатларини расмийлаштириб бермасдан, алдаб кетгани, Х.Одашевдан бир неча бор, автомашинани расмийлаштириб беришини талаб қилишган бўлишса-да, турли баҳоналар қилиб алдаб келгани, сўнг МИБ Чуст туман бўлими ходимлари қарздорлик мавжудлигини айтиб, автомашинани тортиб кетишгани, суд тергови вақтида Х.Одашевнинг отаси томонидан Ж.Тожирахмедовга етказилган зарар қоплаб берилганлиги сабабли “Kaptiva” русумли, “50J 5000A” давлат рақам белгили автомашина уларни номига расмийлатириб берилгани ҳақидаги;

бундан ташқари, судланувчи Х.Одашевни айби жиноят ишидаги, Х.Одашев томонидан ёзилган тилхатлар, юзлаштириш баённомалари билан тўлиқ ўз тасдиғини топган.

Суд, тергов органи томонидан Х.Одашевни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Иш ҳужжатларига кўра, Х.Одашев алдаш ёки ишончни суиистеъмол қиши йўли билан ўзганинг мулкани кўлга киритиш мақсадида, Ж.Тожирахмедовнинг 11.000 АҚШ доллар, Ў.Шарипова ва унинг турмуш ўртоғи З.Жўраевнинг 11.500 АҚШ доллар, А.Исмедляевни 9.400 АҚШ доллар миқдоридаги автомашина ва мулкларини такроран фирибгарлик билан кўлга киритиб, ўзининг шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборгани аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарори 9-бандида, ЖКнинг 168-моддасида назарда тутилган жиноят учун жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда, маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилиши, шу муносабат билан қонуннинг мазкур нормаларида назарда тутилган шарт бажарилган ҳолларда, моддий зарар қайси судлов босқичида қопланганлигидан қатъий назар, қамокда сақланаётган шахсларга нисбатан эҳтиёт чораси турини, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахсларга нисбатан эса, жазо турини ўзгартириш масаласини дарҳол ҳал этиши шартлиги ҳақида тушунтириш берилган;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 5-қисмида, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 37-бандида қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган.

судланувчи Х.Одашевга нисбатан жазо тайинлашда содир этилган жиноят бўйича жиноятни ғаразли ниятларда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида деб топиб, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида қилимишига пушаймонлигини, айбига тўлиқ иқролигини, етказилган зарар қопланганлигини инобатга олиб, унга нисбатан қонун санкциясида белгиланган ахлоқ тузатиш жазосини тайинлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

#### Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Одашев Хамидулла Хабиялиевични Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари билан айбли деб топилсин.

Судланувчи Одашев Хамидулла Хабиялиевичга:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида, Х.Одашев 2022 йил 22 сентябрдан 2022 йил 16 декабрга қадар қамокда ўтирган 2 ой 24 кун тайинланган жазодан чегириб, ўташ учун 2 (икки) йил 3 (уч) ой 18 (ўн саккиз) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилсин. Жазо ўташ муддати иш жойида ҳукм ижро этилиши бошланган кундан ҳисоблансин. Ҳукмнинг ижросини таъминлаш Чуст туман ИИБ пробация гуруҳига зиммасига юклатилсин.

Одашев Хамидулла Хабиялиевичга нисбатан қўлланилган қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилиниб, дарҳол суд залида қамокдан озод қилинсин.

Иш бўйича етказилган зарарлар қопланганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи, ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида жиноят ишлари бўйича Чуст туман суди орқали жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судининг апелляция судлов ҳайъатига протест ёки шикоят беришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

(имзо)

А.Инамов

Ҳукм нусхаси аслига тўғри

А.Инамов